SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 10-IYUL ■ PAYSHANBA ■ 81 (27.101) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Баркамол авлод орзуси



Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўқишни тамомлаган магистрларга тантанали равишда диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Мазкур билим даргоҳини бу йил 118 нафар магистр битириб чиқди. Эътиборлиси, иқтидорли ёшларнинг йигирма саккиз нафари ўқишни имтиёзли диплом билан тамомлади.

Тантанада институтнинг Васийлик ва кузатув кенгаши аъзолари, ҳомийлар, енгил саноат корхоналари раҳбарлари, ота-оналар иштирок этдилар. Шунингдек, тадбирда институт миқёсида ўтказилган «Энг моҳир устоз», «Ибратли шогирд», «Баркамол ёшлар мураббийси», «Фан умидлари» сингари кўрик-танловлари ғолиблари ҳам эълон қилинди. Танловларда ғолиб чиққан профессор-ўқитувчилар, иқтидорли магистрлар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Эркин ХОЛБОБО**

❖❖❖

**Суратда:** имтиёзли диплом соҳибларидан бир гуруҳи

**Абдувосит ҲАЙДАРОВ олган сурат**

Ватан ҳимояси — олий шараф





## ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ ЯНГИ ТУРИ

### Сафарбарлик чақируви резерви сафига олинганларнинг бир ойлик ҳарбий йиғини бошланди

Баҳор кунларининг бирида неварасини армияга жўнатиш ташвиши билан юрган оқсоқол билан гурунглашиб қолдим. Мухбир эканлигимни билгач, «Болам янги қонунда янги хизмат тури ҳақида ёзилган, дейишади. Пулини тўлаб, бир ойлик йиғиндан ўтсанг бас, бир йилдан кейин қўлингга ҳарбий гувоҳномангни беришармиш. Бу қандай хизмат бўлди экан, дея бошим қотаяпти» деб қолди.

Ўшанда мен отага сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг моҳияти хусусида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга асосланиб, билганларимни сўзлаб бергандим. Хусусан, муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олиниши ҳақида айтдим. Мазкур хизматнинг ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилиши ҳамда чақирилувчилар томонидан Мудофаа вазирлиги махсус ҳисоб варағига пул бадаллари тўпланишини отага тушунтирдим, «бу зўр иш бўлибди» деди у.

Бу энди кечаги гап. Бугун янги хизмат тури ҳақида изоҳ беришга, уни тушунтиришга ҳожат йўқ. Яқинда сафарбарлик чақируви резерви сафига олинганларнинг дастлабки бир ойлик ҳарбий йиғини бошланди. Келинг, яхшиси Тошкент ҳарбий округи мисолида унинг аҳамияти ҳақида сўз юритайлик.

Аввало айтиш жоизки, мазкур ойлик йиғинлар иштирокчиларга шунчаки бир умумҳарбий тайёргарликлардан тушунча бериш учун эмас, уларни соҳа сир-асрорларидан бохабар қилиш, қурол-аслаҳалардан фойдаланишни ҳам ўргатади. Табиий бир савол туғилади: «бу муддат камроқ эмасмикин?» Бироқ гап муддатда эмас. Йиғинга энг тажрибали, малакали ҳарбий мутахассислар жалб этилгани, яъни йиғин маъмурияти тузилганини инобатга олсак, саволга ўрин қолмайди.

Ойлик ҳарбий йиғиннинг тантанали очилишида Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-майор Баҳодир Тошматов иштирок этди. У мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ҳарбий ислоҳотлар, жумладан, Миллий армиямизни шакллантириш жараёнига тўхталди.

Ота-оналар, умуман, жамоатчиликни йиғин давомида фарзандларимиз қанақа машғулотларда қатнашади, уларнинг яшаш, овқатланиш, кийиниш шарт-шароитлари қандай бўлиши қизиқтириши турган гап. Шу боис дастлаб улар казармаларни, машғулот хоналарини кўздан кечирдилар. Ётиш хоналари шинам. Казарма яхши таъмирланган. Машғулот хоналари ҳам замон талаблари даражасида моддий ўқув базаси билан таъминланган. Спорт залида жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун барча шароит бор.

Бир сўз билан айтганда, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг йиғини бошланди. Бу хизматга чақирилганлар қисқа муддатда етарли ҳарбий билим ва малакани олиб, ҳақиқий Ватан ҳимоячилари бўлишади.

**Равшан ШОДИЕВ**

❖❖❖

**Суратларда:** сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат йиғини тантаналаридан лавҳалар.



*А. МРУЧАК олган суратлар*

«Ғалла — 2003»

## ВИЛОЯТДА БИРИНЧИЛАР

**Қашқадарё вилояти.** Бу йил воҳа ғаллакорлари учун навбатдаги синовдир. Боиси шундаки, ўтган кузда пахта терими то декабрнинг ўртасигача чўзилганлиги ва ўз вақтида дон экиб олинмаганлиги катта ташвишларни туғдирди. Шунга қарамай, воҳа деҳқонлари бор имкониятларни ишга солдилар. Юксак ташкилотчилик ва тадбиркорлик, айниқса, Қарши туманида юқори самара берди. Туман ғаллакорлари 33 минг тоннага яқин дон сотиб, шартнома режасини ошириб адо этишди.

Бу — жами 14 минг гектар ғаллазорнинг 8977 гектаридан кўтарилган ҳосил. «Бешкент», А.Икромов номли, С. Раҳимов номли, Ю.Хушвақтов номли, Чўли ота номли хўжаликларнинг хирмони баракага тўлди.

Бу йил 7519 тонна уруғлик дон тайёрланди.

«Зайнаб биби» фермер хўжалигида ҳосилдорлик 78, «Истиқбол» хўжалигининг Н.Примов оилавий пудратга олган ерда 77 центнерга етди. Уруғлик дон етиштирилган майдонларда ҳам ҳосилдорлик 60 центнердан ошди. Буларнинг ҳаммаси — бир неча йилдан буён қишлоқ хўжалигида юқори натижаларга эришаётган туманда ибратли тажриба мактаби вужудга келганидан далолатдир. Айни кунларда қолган ҳосилни ўриб-йиғиш баробарида, ерларни шудгорлаш, оралиқ экинлар экиш уюшқоқлик билан олиб борилаяпти.

**Юнус УЗОҚОВ**

❖❖❖

**Самарқанд вилояти.** Каттақўрғонлик ғаллакорлар икки йилдирки давлатга дон топшириш шартномавий топшириқларини вилоятда биринчилардан бўлиб бажаришяпти.

— 10 минг 167 гектар ерда деҳқончилик қилган миришкорларимиз, — дейди туман ҳокими Мамашариф Абдуллаев, — ҳосилдорликни ҳозиргача 40-50 центнергача етказишди. Хирмонга 18 минг 500 тоннадан кўпроқ дон тўкилди. Келаси йил учун «Крошка» навли ғалладан 2 минг 85 тонна сара уруғ ҳам жамғариб қўйдик. Эришилган ютуқда айниқса, «Пахтакор», О.Маҳмудов номли, «Мойбулоқ» ва М.Султонов номли хўжаликларнинг улуши катта бўлди.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ**

❖❖❖

**Тошкент вилояти.** 17 минг тоннадан зиёд дон сотган Чиноз тумани миришкорлари шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб адо этишди. Шунингдек, Тошкент тумани ғаллакорлари ҳам 6 минг 700 тоннадан зиёд давлатга сара дон сотиб, белгиланган довонни забт этдилар.

Вилоят ғалла хирмонига янгийўлликлар 17 минг 948 тоннадан зиёд улуш қўшишни ният қилганлар.

Тумандаги «Қовунчи» ширкат хўжалиги ғаллакорлари бу йил 467 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 1200 тонна дон топширдилар ва белгиланган шартномавий режани Янгийўлда биринчи бўлиб адо этишди. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил қарийб 52 центнерни ташкил этди.

— Эртанги рўзғоримиз бугунги меҳнатимизга яраша бўлишини жуда яхши биламиз, — дейди «Қовунчи» ширкат хўжалиги раиси Эргаш Музаффаров. — Шартномавий режа бажарилган бўлсада, ўрим-йиғим ишлари давом этаётир.

Бу йилги мавсумда 135 минг гектар ерда буғдой етиштирган вилоят ғаллакорлари 278 минг 500 тонналик хирмон уйишга бел боғлашган.

**Соҳибжон САЛИМОВ**



### ҲАДЯ

*Кимдир ҳадя қилар сенгаароғин,*
*Кимдир тамакисин, кимдир яроғин.*
*Мен ўзбек дўпписин тарқатдим фақат,*
*Тарқатдим ўзбекнинг тўнин, белбоғин.*

**Абдулла ОРИПОВ**
**2003 йил, 8 июль**
**Женева** (телефон орқали олинди)

Бокс

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

**Таиланд, Бангкок, 8-июль.** Ҳамюртларимиз навбатдаги «жанг»ларни ўтказишди. Т.Дониёров (51 кг.) Болгария вакилига имкониятни бой берди. Баҳодиржон Султонов (54 кг.) Руминия вакилини мағлуб этди. У биринчи учрашувда Туркия боксчисини 15 очко (!) фарқ билан енгган эди. Мутахассисларимиз Баҳодиржон Султоновга катта умид билан қарашмоқда.

Дилшод Маҳмудов (60 кг.) Россия, Шерзод Ҳусанов (69 кг.) Франция, Сергей Михайлов (91 кг.) Руминия вакилини доғда қолдирди.

**9-июль.** Беҳзод Хидиров (57 кг.) Германия, Дилшод Маҳмудов (60 кг.) Австралия, Шерзод Ҳусанов (69 кг.) Индонезия, Ўткирбек Ҳайдаров (75 кг.) эса Озарбайжон вакили билан куч синашди.

Биринчи учрашувда Ўткирбек Жанубий Африка вакилини енгган эди.

## БИЗНЕСДА АЁЛЛАР ЎРНИ

Республика «Тадбиркор аёл» уюшмаси билан АҚШнинг Тинчлик институти ҳамкорлигида Тошкентда ўтган бизнес муаммолари илмий анжумани ниҳоясига етди. Унда пойтахтимиз ва вилоятлардан келган ишбилармон аёллар мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожи ҳамда аёлларнинг ўрни борасидаги кўплаб маърузаларни тинглашди.

Илмий-амалий семинар даражасида ўтган мазкур тадбирда катта ҳаётий тажрибага эга хорижий мутахассис аёллар ҳам ўз фикр-мулоҳазалари, тавсия ва таклифлари билан фаол иштирок этдилар.

**Баҳритдин НАСРИТДИНОВ**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

## ЎЗБЕКИСТОН — ҚУДРАТЛИ ЭНЕРГЕТИКА ЎЛКАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗ ЭНЕРГЕТИКА САЛОҲИЯТИ, ИМКОНИЯТИ ВА КЕЛАЖАГИ ҲАҚИДА




**Ислом КАРИМОВ:**

**«Биз мустақилликка эришган дастлабки кунлардаёқ Ўзбекистоннинг тақдири ва истиқболига боғлиқ бўлган энг муҳим устувор муаммолар орасида республиканинг энергетика ва ёнилғи мустақиллигини таъминлаш марказий ўринни эгаллаб келди... Энергетика комплекси — мустақиллигимизнинг асос пойдеворигина эмас, айни вақтда экспортнинг ва валюта олишнинг энг муҳим манбаи... Республика ноёб ёнилғи энергетика ресурсларига ва қудратли энергетика базасига эга...»**

**ТАРИХДАН ШИНГИЛ ЛАВҲАЛАР**

**1921 йил, 21 декабрь. «...Туркистонда, Тошкент атрофида ҳам битта гидроэлектрстанция қурилсин...»**
(Тарих ҳужжатларидан)

**1923 йил 31 июль. Тошкент трамвай депосидаги хоналардан бирида бўлажак Бўзсув гидроэлектрстанциянинг лойиҳаси кўриб чиқилди.**

**1926 йил, 1 май. Ўзбекистон энергетикасининг қалдирғочи Бўзсув ГЭСи ишга тушди. Қуввати — 2 минг киловатт! Кейинчалик 4 минг киловатт...**

*Гидр суви бойланди,*
*Машиналар айланди,*
*Гузарлару кўчалар —*
*Иликтрга чулғанди*

деган қўшиқлар пайдо бўлди ўшанда.

**ИЗОҲ: 4 минг киловатт қувватли электр станцияси йигирманчи йиллар Туркистон энергетикасида энг катта кўрсаткич эди. Аммо, шу билан бирга у бизни ҳали электр қуввати масаласида бошқалардан анча орқада эканлигимизни ҳам кўрсатиб турувчи рақам эди. Масалан, ўшанда электр қуввати ҳар бир кишига Канадада 500 дан зиёдроқ кувватга, Америка Қўшма Штатларида — 413, Францияда — 147, Германияда — 141, Тошкентда бўлса атиги 12 киловаттга тўғри келарди.**

**1933 йил.** Орадан етти йил ўтиб, баҳор кезлари 13 минг 500 киловатт қувват (18350 от кучи)га тенг тўрт генераторли **Қодирия ГЭСи** ҳам нур тарай бошлади.

**1936 йил, май.** Бўзсув этагида биринчи ўзбек гидроэлектр муҳандиси раҳматли Саидоқилхон Саидхўжаев тасарруфида яна бир янги гидроэлектрстанция қурилди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари уларнинг сафига **«Салор», «8 Март» ГЭСлари, Товоқсой, Оқтепа, Оққовоқ электр станциялари ҳам қўшилди.**

**1948 йил, 15 февраль.** Фарҳод гидроэлектрстанциясининг биринчи навбати иш бошлади. У **Тошкент энергия тармоқлари**га саноат учун ток бера бошлади.

— **50-йилларда Қайроққум ГРЭСи;**

— **60-йилларда Тошкент ва Навоий ГРЭСлари;**

— **70-йилларда Чорвоқ ГЭСи;**

— **Фарғона, Самарқанд ГЭСи, Қўқон, Андижон, Наманган дизел станциялари;**

— **80-йилларда Сирдарё ГРЭСи** қурилди.

2-бет



«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

## «МАҲАЛЛАДАГИ МОЖАРО»

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги газетанинг 2003 йил 27 июнь сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақола юзасидан қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилганлигини маълум қилади.

Мақола 2003 йилнинг 30 июнь куни туман ҳокимлиги маҳкама йиғилишида кўриб чиқилди. «Дархон»-3 маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким ўринбосари, уй-жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўлими мутахассислари, маҳалла раислари ва фуқаролар Ф.Шарипов, Н.Сливинская, С.Сулеймановлар билан биргаликда атрофлича муҳокама қилинди.

Муҳокама даврида қўшнилар орасида келиб чиққан муаммоларни қонуний ва ижобий ҳал қилиш учун қурилиш ишларини олиб бораётган фуқаро С.Сулеймановга қўшниларнинг яшаш шарт-шароитларига, уй-жойларига ҳамда умумий фойдаланишда бўлган жойларга зарар етказмаслиги яна бир бор тушунтирилди...

Қўшнилар, хусусан, ариза ёзиб мурожаат қилган фуқаролар билан ҳам суҳбат ўтказилиб, янги иморат қураётган фуқарога нисбатан ўзларига зарар етказилган тақдирда ҳуқуқий идораларга мурожаат қилишлари тушунтирилди.

Туман ҳокимлиги томонидан туман уй-жойларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўлимига туман ҳудудида қурилаётган шахсий иморатлар туман ҳокими қарорига асос бўлган лойиҳа бўйича қурилишини назоратга олиш ва қурилишда аҳоли эътирозларига жиддий эътибор бериш масъулияти юклатилди.

Қорабулоқ 1-тор кўчаси 32-уй-жойда фуқаро С.Сулеймонов иморат қуриш учун барча ҳуқуқий ҳужжатларга эга. Хусусан, Тошкент шаҳар Меъморчилик ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланган иморат лойиҳасига, туман Ёнғиндан сақлаш бўлимининг қурилишга ижобий ёзма хулосасига, қўшнилар М.Малхасян ва Н.Корочкинларнинг қурилишга ёзма розиликларига эга. Иморат лойиҳаси мақолада кўрсатилганидек уч қаватли эмас икки қаватли бўлиб, ҳозирги кунда иморат лойиҳа асосида қурилмоқда.

**Туман ҳокими ўринбосари С. АҲМЕДОВ**

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

# ЎЗБЕКИСТОН — ҚУДРАТЛИ ЭНЕРГЕТИКА ЎЛКАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

### «ЎЗБЕКИСТОН ҚУЁШИ»

Тармоқдаги ўсиш, улғайиш ва салоҳиятнинг даврма-давр юксалиб боришини қиёслаш учун ўша кезларда шундай ном олган **Сирдарё ГРЭСи** ҳақида мухтасар тўхталиб ўтиш жоиз.

... Нурхона қурилишида 300 минг киловаттгача бўлган турбиналардан фойдаланилди. Бундай қудратли турбиналар бу маҳалда Ўрта Осиёда илк бор қўлланилганди. Улканлигини муқояса қилиш учун қиёс: Бўзсув ГЭСи — 2 минг киловатт, Қодирия — 13,2 минг, «Фарҳод» — 126 минг, Ангрен ГРЭСи — 100 минг, Тошкент — 150 минг эди.

Ва яна: Сирдарё ГРЭСига 240 атмосфера босимида буғ узатувчи қозонхоналар ўрнатилди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич ўшанда Тошкент ГРЭСида 130 эди...

**1970 йил, 22 апрель.** Сирдарё ГРЭСининг бош корпуси пойдеворига дастлабки кубометр бетон ётқизилди.

**1972 йил, декабрь.** ГРЭСнинг дастлабки агрегати иш бошлади.

**1973 йил.** 300 минг киловатт қувватга эга иккинчи энергоблок ҳаракатга келди. Кейин учинчи, сўнгра тўртинчи..., бешинчи; олтинчи...






**1978 йил.** Еттинчи блок ҳам Марказий Осиё Бирлашган энерго тизимига уланди. (Дарвоқе, бу блок турбиналари монтажини ўша кездаги «Средазэнергомонтаж» тресты жамоаси белгиланган муддат — олти ой ўрнига бор-йўғи 45 кун ичида тугаллашди.)

**Навбатдаги қиёс:** Собиқ тузум даврида ДнепроГЭС қурилган чоғда у ўз миқёси билан фақат шўролар мамлакатинигина эмас, бутун жаҳонни ҳаяжонга солган эди. Ваҳоланки, унинг қуввати 600 минг киловатт соатдан ошмасди. Сирдарё ГРЭСининг қуввати эса бир нечта ДнепроГЭС қувватига тенг бўлганлигини тасаввур қилиб кўринг!

Ёки 70-йиллар охири 80-йиллар бошида ўзимизнинг газеталаримизда ёзилган ахборотга эътибор беринг: **Сирдарё ГРЭС**и мамлакатда (собиқ иттифоқда. Н.С.), қолаверса, **Осиё ва Европа қитъаларида йирик корхона**дир. Ундаги ҳар бир блок **2,5** та Фарҳод ГЭСига тенг. Барча блоклар қувватини эса **24 та** Фарҳод деяверинг.

### ИСТИҚЛОЛ ОҒУШИДАГИ НУРХОНАЛАР

**«Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Эргаш ШОИСМАТОВ** мамлакатимиз энергетикасининг бугунги қуввати, имкониятлари ва истиқболи ҳақида кўплаб мисолларни келтирди.

Мамлакатимиз **Мустақилликка** эришгач ўн икки йил ичида Ўзбекистон электр энергетикаси соҳасида улкан ислоҳотлар амалга оширилди. У ҳамма бўғинларнинг мажмуалари тараққиётига салмоқли, залворли таъсир кўрсатаётган жуда катта ишлаб чиқариш ва илмий-техника салоҳияти тизимига айланди. Ҳозир у Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимининг амалдаги 50 фоиз (Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистон) корхоналарини ўз тасарруфида жамлаб турибди. Бу — унинг минтақа ишлаб чиқаришида узлуксиз энергетика халқаси ёки минтақа ҳудудларига электр энергияси узатишда энг асосий бўғин эканлигидан ёрқин далолат.

Тармоқ корхоналарининг қулай жўғрофий жойлашуви ва такомил тизими унга электр энергияси ҳамда энергетика қувватлари бозорини эркин ташкил этиш ҳамда бу бозорнинг фаол иштирокчиси бўлиш имконини бермоқда. Бу эса республика иқтисодиёти соҳалари ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини таъминлабгина қолмай, уни бошқа давлатларга экспорт қилишга ҳам йўл очаяпти. Масалан, ҳозир **«Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси** электр станцияларининг жами қуввати **11,2 миллион кВт** га тенг. Бу кўрсаткичнинг залворини тасаввур қилиш учун компаниянинг таркибий тузилмаларига эътибор қаратишнинг ўзи кифоя.

Дарвоқе, Ўзбекистон энергетикаси деганда бугун биз 37 та иссиқлик ва гидравлик электр станцияларини кўз олдимизга келтирамиз. Уларнинг умумий қуввати 11200 МВтдан кўпроқ бўлиб (жумладан, ТЭСлар — 9844 МВт, ГЭСлар — 1419 МВт), йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятлари 50 млрд. кВт соатга тенг. Чунончи, 3000 МВт қувватга эга Сирдарё ГЭСи, 1860 МВтли Тошкент, 2100 МВтли Янги Ангрен, 1250 МВтли Навоий ГЭСлари тизимнинг йирик нурхоналари саналади. Уларга ўрнатилган бир неча ўнлаб энергоблокларнинг ҳар бири 150 дан тортиб 300 МВт қувватга эга. Яқин йиллар ичида Таллимаржон ГЭСининг ҳам 800 МВт қувватли 1 энергоблоки ҳаракатга келиши кутилмоқда.

Мустақиллик йиллари мамлакатимиз гидроэнергетикаси беш каскадли гидроэлектр станцияларга эга бўлиб, улар ўз таркибига 28 та ГЭСни бирлаштирди: Ўз сув омборлари мавжуд бўлган йирик станциялар ҳаракатида бугунги кунда бошқарув тизимига мослашган Чорвоқ ГЭСи 620 МВт, Хўжакент ГЭСи 165 МВт қувват бериб турибди. Қолганлари эса сув оқимига кўра белгиланган тизим асосида ишлайди. Улар энергия таъминоти ва ирригация олдида турган мажмуавий вазифаларни ҳал қилиш учун нисбатан арзон электр энергияси ҳосил қилиш учун йўналтирилган.

Кўп ўтмай, республикамиз гидроэнергетика салоҳияти сув хўжалиги объектларида катта миқёсдаги кичик-кичик ГЭСларнинг ривожи эвазига янада кучайтирилиши кутилмоқда. Бу эса мамлакатимизда йилига қўшимча 1,3 миллиард кВт соатгача электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради.

Ҳа, «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси бугунги кунда лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишлари, қувватларни созлаш, ишлаб чиқариш технологияларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлаш, шунингдек, энергия узатиш, тақсимлаш жараёнлари жиҳатидан улкан мажмуали ташкилот. У электр тармоқлари хўжалиги 45 миллион кВт қувватга эга барча кучланишли ва трансформаторли станция бўлинмаларининг 230 минг километр узунликдаги электр узатиш линияларини ўз ичига олади.

Мамлакат энергетика тизими ҳозир йилига 47-48 миллиард кВт соат энергия ишлаб чиқармоқда. Маҳсулотнинг асосий қисмини (88 фоиздан ортиқроғи экология ва ёнилғи баланси нуқтаи назаридан энг қулай ва энг арзон: газ ҳиссаси — 88, мазут — 8, кўмир — 4 фоиз) иссиқлик электр станциялари ишлаб чиқаради.

Республикада 2010 йилгача ҳаракатдаги барча қувватларни такомиллаштириш ва таъмирлаш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Айниқса, энергетика объектларини замонавийлаштиришга, ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, энергия ишлаб чиқариш жараёнларига янги технологияларни жорий этиш ва тармоқ корхоналари фаолиятида атроф-муҳитга экологик таъсир даражасини камайтиришга эришиш сингари масалаларга катта эътибор берилмоқда. Айни пайтда молиявий ресурслар эҳтиёжининг қарийб ярмини чет эл сармоялари эвазига қоплаш йўллари ҳам изланаяпти, белгиланган мақсадли режалар изчил ижро топмоқда.

Тармоқда энергетика ресурсларини тежаш масаласи муҳим ўрин тутмоқда. Бу борада жаҳон энергетикасида орттирилган илғор тажрибалар Ўзбекистон энергетикларига қўл келмоқда. Жумладан, мавжуд ТЭСларнинг энергоблокларини техникавий қайта жиҳозлаш, ҳаракатдаги ускуналарнинг алоҳида қисмлари ва узелларини алмаштириш, буғ билан ишлашга мослашган ҳамда махсус газ турбиналари қурилмалари негизида самарадорлиги юксак янги технологияларни жорий этиш йўли билан тежамкорликни ошириш чоралари кўрилаяпти. Шунингдек, барча технологик жараёнларни автоматлаштириш даражасини кўтариш, электр энергиясининг узатиш ва тақсимлаш чоғидаги техник «йўқотиш» кўрсаткичларини камайтириш йўналишларида қидирув ишлари жадал кетаяпти.

Булар республика халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва молиявий тизимни қайта қуришга муносиб тарзда кўмаклашаётгани, шаксиз. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг бу борадаги Фармони ижроси йўлида 2001 йилдан эътиборан тизимнинг кўп қиррали бошқарувини янада такомиллаштиришга астойдил киришилди. Корхоналар ўз акцияларини чиқариш йўлига ўтди. Акциядорлик жамиятлари тузилиб, уларнинг сони ҳам, аъзолари ҳам орта бошлади. Ҳозир энергетика тизимида 4 та иссиқлик электр станцияси (жумладан йирик Сирдарё ТЭСи ҳам), 9 та энергия тақсимлаш бўйича ҳудудий корхоналар ҳамда бошқа турдаги 18 корхона тўлалигича акциядорлик фаолиятига ўтиб олишди. Боз устига уларнинг ҳаммаси лойиҳа, қурилиш-монтаж, таъмирлаш, сақлаш каби турли хил юмушларга моҳирона мослашдилар ҳам.

### ПАРВОЗ УЧУН ЖУФТ ҚАНОТ КЕРАК

Республика энергетиклари бу қанотларнинг бирини ташқи иқтисодий алоқалар ҳамкорлигида кўришаяпти. Чет эл сармоядорлари ва уларнинг сармоялари билан ишлаб чиқаришни юксалтириш йўлига катта умид билан қарашмоқда.

Ҳозир **Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ)** ҳамда Германиянинг **Siemens** фирмаси томонидан ажратилган кредит ҳисобига Сирдарё ТЭСининг икки энергоблоки реконструкциясида биринчи фаза ишлари ниҳоясига етди. Унинг иккинчи фазасидаги реконструкция ишлари ҳам ЕТТБ кредити эвазига бажарилиши кўзда тутилган. **АҚШнинг савдо ва тараққиёт агентлиги (ТДА)** гранти билан эса станциянинг 5-6-энергоблоклари реконструкцияси лойиҳаси бўйича техникавий-иқтисодий ишланмалар устида иш олиб борилмоқда.

Тошкент ТЭСини юксак тежамли буғ-газ қурилмалари билан жиҳозлаш учун **Япония ҳукумати** имтиёзли кредит ажратди. Шу кунларда Халқаро ҳамкорликнинг **Япон агентлиги**нинг аниқлаштирилган лойиҳаларини тайёрлашмоқда. Шунингдек, Навоий ТЭС, Муборак, Тошкент ТЭЦларини реконструкциялаш учун чет эл сармоялари жалб этилмоқда. Яқин орада эса **Осиё Тараққиёт Банки ва молиявий институтларнинг** йирик-йирик ресурслари иштироки ҳам кутилаяпти.

Яна бир муҳим жиҳат: республика электр энергетикаси ривожи — **мамлакат ёнилғи-хомашё ресурслари** тараққиёти дастурининг амалий ижроси натижалари билан чамбарчас боғлиқ. Бу дастур ўлкамизда кўмир қазиб олишнинг босқичма-босқич ўсишини, шунингдек, кўмир қазиш жараёнларини модернизациялаш ва кенг жиҳозлашни ҳам кўзда тутган. Германиянинг **«КРУПП Фердер — техник «ГмбХ»** фирмаси билан ҳозир бу борада қатор ишланмалар кўриб чиқилаяпти. Айни пайтда германиялик сармоядорлар ва мутахассислар ҳозирдан ускуналар тайёрлаш ҳамда уларни етказиб бериш бўйича шартномалар ҳам имзолашаётир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришга сармоялар жалб қилиш — мавжуд муаммолар ечимида ҳал қилувчи омил эканлигини тобора чуқур англаётган энергетикларимиз ҳукуматимиз қўяётган бугунги талаблардан келиб чиқиб, 2006 йилгача тармоқ тизимларида электр энергияси ҳосил қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни ўрганиш ҳамда такомиллаштириш мақсадида тармоқ таркибига кирувчи корхоналар негизида очиқ акциядорлик жамият (ОАЖ)лари шакллантиришни режага олишган. Зеро, бундай жамиятлар чет эл сармояларига, акциялар оқимига катта-катта ресурслар манбаини очиб бериши турган гап. Айниқса, энергетика тизимининг энг йирик иссиқлик электр станцияси — Сирдарё ТЭСи, Тошкент, Фарғона, Муборак иссиқлик электр марказлари ва республикамизнинг бошқа минтақалари энергетика тармоқлари корхоналарига бу йўл жуда-жуда қўл келади.

**«Ўзбекэнерго» ДАК ахборот маркази раҳбари Гулмира УСМОНОВА:**

— Энергетикамиз салоҳияти даражаси ва унинг мустақиллигини сўз билан қандай таърифлашга ожиз бўлганимдек, истиқлол йиллари тизим зиёлиларининг касбий ва маънавий ўсиш даражасини ҳам нима деб баҳолашга ожизман. Негаки, юқорида баён қилинган барча ўсиш, улғайиш одимларининг ижрочилари айни шу зиёлилардир.

Агар ўтган асрнинг 20-йилларида ўзбек энергетикаси зиёлилари деганда 1 ёки 2 нафаргина кишининг исми-шарифини келтирадиган бўлсак, бугунги кунда республикамиз энерготизимида 54 минг 165 нафар энергетиклар меҳнат қилмоқда. Уларнинг 12 минг 493 нафари раҳбарлик ва етакчи мутахассислик лавозимларида ишлашяпти. 7120 нафар олий, 4767 нафар ўрта махсус маълумотли тажрибали, тадбиркор кадрлар минг-минглаб бўлажак энергетикларимизнинг устозлари ва мураббийларидир. Улар орасида 30 дан зиёд Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими, қурувчи, мураббий ва 40 нафарга яқин «Меҳнат шуҳрати», «Дўстлик» орденлари ҳамда «Шуҳрат» медали нишондорлари бор. Энг муҳими, буларнинг ҳаммаси бундай катта иззат-икромга мустақиллик йилларидагина эришди.

❖ ❖ ❖

... Бугун қоғозга туширилган ушбу ҳикояларни ёзиш ниятида тайёргарлик кўриб юрган кунларимда «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси журналининг махсус сонида муҳтарам Юртбошимизнинг йирик-йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилган қисқа, лўнда ва дангал бир лутфи диққатимни тортди:

**«РЕСПУБЛИКА ЭНЕРГЕТИКА МУСТАҚИЛЛИГИГА ЭРИШГАНДАГИНА ТЎЛА МУСТАҚИЛ БЎЛА ОЛАДИ.**

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти»**

... Аллоҳга шукроналар бўлсин, давлатимиз раҳбарининг бу башорати бугун тўла амалга ошди: Ўзбекистон Республикаси Энергетика Мустақиллигига эришди. Илгари заранг, яланг, танг ерларда бунёд топган ва топаётган нурхоналаримиз эрк, озодлик, ҳуррият ва истиқлолга хизмат қилмоқда.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

---

## ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

☑ **Тўрткўл туман партия кенгаши** ҳамда туман ижтимоий таъминот бўлими қошидаги ногирон ва ёлғиз яшовчиларга ёрдам бериш маркази ҳамкорлигида «Ёшлик» истироҳат боғида ногирон ва боқувчисини йўқотганлар учун тадбир уюштирилди. Иштирокчилар бир пиёла чойга таклиф қилинди ва улар учун концерт дастури намойиш этилди. Тадбирда марказ директори Д.Сейтниязова, «Боғяп» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н.Сатторовалар сўзга чиқдилар ва йиғилганларга эсдалик совғаларини топширдилар.

☑ **ХДП Андижон шаҳар, Наманган, Уйчи туман кенгашлари** жойларда «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Маҳаллам — фахрим менинг» каби мавзуларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказдилар.

☑ «Обод маҳалла йили» тадбирлари доирасида **Қарши шаҳар** ҳокимлиги ва шаҳар партия кенгаши «Маҳалла — тарбия маскани» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказдилар. Тадбирда «Самарқанд» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси А.Равшанов ҳамда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг ўқитувчилари «Маҳалладан бошланар Ватан», «Маҳалла институти ва муаммолари», «Маҳалланинг ҳуқуқий мақоми» каби мавзуларда маърузалар ўқиб, фарзандлар тарбиясида маҳалланинг роли, маҳаллада соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришнинг муаммолари ҳақида суҳбатлашдилар.

### ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР

☑ **«Тошкент трактор заводи» ДАЖ бошланғич партия ташкилоти**да Олий Мажлиснинг XI сессияси ҳужжатларини ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлди. Тадбирда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳамда сессияда биринчи ўқишда қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамасига чиқарилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари бўйича фикр алмашинилди. БПТ етакчиси Н.Липоткина, Мирзо Улуғбек туман партия кенгаши биринчи котиби Р.Сатторова, корхона раҳбарининг ўринбосари М.Назарматов ва бошқа фаоллар сўзга чиқиб, қонунлар лойиҳалари юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

☑ **Кармана тумани**да ЎзХДП Кармана туман кенгашини тузиш бўйича партия конференцияси бўлиб ўтди. Унда туман партия кенгашини тузиш масаласи тасдиқланди. Туман партия кенгашининг ташкилий пленумида Л.Туробова кенгаш етакчиси этиб сайланди.

☑ **ЎзХДП Нукус шаҳар кенгаши**нинг МК V ва Қорақалпоғистон республика кенгашининг VI пленумлари ҳужжатларидан келиб чиқадиган шаҳар партия ташкилотининг вазифаларига бағишланган пленуми бўлиб ўтди. Унда мазкур масала юзасидан шаҳар партия кенгаши биринчи котиби С.Нурманов маъруза қилди. Маърузачи партия ташкилотларининг парламент ислоҳотидаги иштирокини фаоллаштириш ва унинг эътиборини жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга қаратиш каби устувор вазифалар ҳақида сўз юритди. Пленумда ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби А.Асанов сўзга чиқди.

☑ **Қашқадарё вилоят** тери-таносил касалликлари диспансерида ўтган тадбирда 10 нафар тиббиёт ходимига партия аъзолик билетлари топширилди. Вилоят партия кенгаши масъул ходими М.Туропов партиянинг янги аъзоларини табриклаб, йиғилганларга мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислоҳоти, ХДПнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида сўзлаб берди.

☑ **ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши**да МК ва Қорақалпоғистон республика кенгаши пленумлари қарорларини бажариш бўйича партия Тўрткўл туман кенгаши томонидан олиб борилаётган амалий фаолият таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилиш давомида туман партия кенгашининг БПТ етакчилари, депутатлар ва фаоллар билан ишлаш жараёнидаги ютуқлари, қатор нодавлат, нотижорат ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги амалий ишлари таъкидланди, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

☑ **ХДП Норин туман кенгаши** ҳам қатор бошланғич партия ташкилотларида турли тадбирлар ўтказиб, МК V пленуми ҳужжатларида белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратди. Улар асосан партия ташкилотларида йўл қўйилаётган камчиликлар, партия аъзоларининг сафини кенгайтириш, партия нуфузини ошириш масалаларига бағишланди.

### МУАММОЛАР ЕЧИМИ ҲАМКОРЛИКДА

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ва халқаро «Семурғ» хайрия жамғармаси ўзаро ҳамкорлик фаолияти тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шартномада маҳаллаларда жиноятчиликни олдини олишга доир муаммоларни ҳал қилишда иштирок этиш, йигит-қизларни ҳаётга тайёрлаш ва ёш оилаларни мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш ҳамда жазони ўташ жойидан озод этилганларни ижтимоий ҳимоялаш, улар ўртасидаги ишсизлик муаммосини ечиш чора-тадбирларини кўриш кўзда тутилган. Шартномани ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов ва халқаро «Семурғ» хайрия жамғармаси раиси Р.Мирқосимовлар имзоладилар. Тадбир иштирокчилари мазкур ҳамкорликнинг ёшлар ўртасида учраётган баъзи муаммолар ечимининг топилишида, фуқароларимизда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятнинг юксалишида ёрдам кўрсатишига ишонч билдирдилар.

**ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши матбуот хизмати**

---

Анжуман

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ТАЪЛИМ

Тошкент давлат техника университетида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Корея Логос менежмент ассоциацияси билан ҳамкорликда «Таълим ва иқтисодий ўсишни ривожлантиришда янги ахборот ва замонавий технологияларни қўллаш» мавзуида халқаро семинар ўтказилди. Ушбу семинардан кўзланган мақсад — илмий тадқиқот олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, докторант ва аспирантларнинг илмий ишлари натижаларини таҳлил этиш, университет олимлари ва кореялик мутахассисларнинг таълим жараёнидаги халқаро алоқаларини ривожлантириш ҳамда фан-техника соҳасида эришилаётган ютуқларни муҳокама этишдан иборатдир.

Айтиш жоизки, университетда бу каби ҳамкорликдаги илмий тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Жумладан, жорий йил бошидан буён 14 маротаба халқаро анжуманлар ташкил этилиб, уларда кўпгина хорижий ўқув муассасалари билан илмий кадрлар алмашиш борасида шартномалар тузилди, шунингдек, қатор лойиҳалар ўқув жараёнига татбиқ этилди. Бундай кенг кўламли ишларни амалга оширишда республикамиздаги бир қанча ҳомий ташкилот ва жамғармаларнинг салмоқли улуши бор.

— Мамлакатингизда таълимни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор хорижий давлатларда ҳам эътироф этилмоқда, — дейди Корея Логос менежмент ассоциацияси раиси, профессор Чунг Юнг Жунг. — Бинобарин, бундай ҳамкорликдаги алоқалар икки томон учун ҳам фойдали бўлиб, ўзаро тажрибалар алмашуви — таълим сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.

Семинарда Жанубий Кореядан ташриф буюрган олимлар ва ТошДТУ илмий ходимлари 4 йўналишда: жумладан, иқтисодий ўсиш, ахборот технологиялари, бизнес ва таълим соҳалари бўйича илмий маърузалари билан қатнашди. Анжуман якунида университет олимлари томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини халқаро миқёсга кўтариш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширишга келишиб олинди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ**

Нуқтаи назар

# БОЗОР ВА РАҚОБАТ

## ёки миллий иқтисодиётда монопол фаолиятни чеклашнинг аҳамияти хусусида

Республикада рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг асосий йўлларидан бири — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан бирга мулк шаклларидан қатъи назар, бозорда монопол мавқега эга бўлган корхоналар фаолиятини чеклаш ва рақобатни ривожлантиришдир.

Президентимиз таъкидлаганларидек: **«Монополияга қарши кураш чораларини кўриш — маҳсулот етиштирувчининг истеъмолчи устидан хукмронлик қилишига барҳам беради... Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат — бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонуни...».**

Ўз-ўзидан аниқки, бозор иқтисодиёти ва товар ишлаб чиқариш шароитида монополиялар икки турда мавжуд бўлади, яъни сунъий ва табиий монополиялар. Сунъий монополиялар иқтисодий фаолият давомида капитал, ишчи кучи ва бошқа иқтисодий ресурсларнинг марказлашуви натижасида вужудга келади. Табиий монополиялар ҳар қандай шароитда мавжуд бўлади. Табиий монополиялар рақобатни қўллаш қийин бўлган ёки умуман мумкин бўлмаган соҳалардир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда табиий монополиялар Республика давлат реестрида 677 та маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) ва 278 хўжалик юритувчи субъект бўйича қайд қилинган.

Республикамизда нефть, газ конденсанти, табиий газ олиш, кўмир қазиб чиқариш, нефть маҳсулотлари ва газни қувурлар орқали узатиш, электр ҳамда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, уларни узатиш, темир йўлларда юк ташиш, умумий эркин фойдаланиладиган электр, почта алоқаси хизматлари, сув қувурлари, канализация хизматлари, аэропортлар хизмати — ҳаммаси табиий монополия соҳалари сифатида тан олиниб, уларнинг давлат томонидан тартибга солиниши қонун билан белгилаб қўйилган. Кейинги йиллардаги иқтисодий ўсиш ва бевосита макроиқтисодий барқарорликда айнан шу табиий монополияларнинг субъектларида тайёрланган маҳсулотлар ҳамда улар томонидан кўрсатилган хизматларнинг улуши сезиларли даражада катталигича қолмоқда.

Ҳозирги кунда республика иқтисодиётида табиий монополияларнинг товар (хизмат) бозорларига салбий таъсири бир қатор ҳолатларда ўз ифодасини кўрсатмоқда. Жумладан, бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кўпгина монополлашган корхоналар каби табиий монополиялар ҳам ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланмасликлари натижасида монополча юқори нархлар вужудга келмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш ҳажми пасайишига қарамай, ушбу корхоналарнинг электр энергияси сарфи, иш ҳақи, ижтимоий соҳани сақлаш ва ривожлантириш каби харажатларнинг кескин ошиб кетиши — табиий газ, кўмир, электр, алоқа ва бошқа соҳалар нархлари (тарифлари)нинг кўтарилишига олиб келмоқда.

Улар амалда ўз маҳсулотларига ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб эмас, балки амалда бўлган нарх-наволарга коэффицентлар қўшиш орқали нарх белгилаб келмоқда. Нарх белгилашнинг бу усули — пировард натижада, нархларнинг асоссиз юқори белгиланишига ва истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишига олиб боради.

Танлаб ўтказилган кузатиш натижалари республика темир йўл транспортида юк ташиш харажатларининг анча тез ўсиб бораётганлигини кўрсатди. Темир йўл орқали юк ташиш (транспорт) харажатларининг ошиб кетиши ўз навбатида бошқа ишлаб чиқариш тармоғи маҳсулотининг таннархи ва баҳоси (нарх) ошишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, нефть маҳсулотлари таннархидаги транспорт харажатлари 2001 йилда 1999 йилга нисбатан 7,2 фоиздан 9,7 фоизга, цемент ишлаб чиқаришда 3,5 фоиздан 6,5 фоизга, аммофосда 7,4 фоиздан 10 фоизга, энергетикада 2,4 фоиздан 3,5 фоизга ўсган. Бундан ташқари юк ташишда МДҲ давлатлари чегараларидан ўтганлиги учун чет эл валютасидаги тўловлар миқдори ҳам ушбу ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Харажатлар таҳлили яна шуни кўрсатадики, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик жамиятининг ялпи харажатлари ошишида жорий харажатлар улуши 18 фоизни, солиқ ва бюджетга тўловлар 19 фоизни, иш ҳақининг ошиши эса 35 фоизни ташкил қилган. Бундан ташқари харажатларнинг ошишига олиб келувчи сабаблардан яна бири — темир йўлда кўрилган бошқа зарарлар ҳам юк ташиш учун белгиланган нархларга асоссиз киритилишидир. Юқоридаги ҳолатни электр, алоқа ва почта хизматлари ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси хизматлари учун белгиланадиган нарх (тариф)лар таҳлилида кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда электр энергияси, темир йўл, автомобиль транспорти, пахтани қайта ишлаш, коммунал хизмат кўрсатиш соҳалари бошқарувини такомиллаштириш (бошқарувнинг ташкилий тузилмалари) ва уларни монополиядан чиқариш юзасидан қабул қилган қарори келгусида табиий монополиялар субъектларининг иқтисодиётга кўрсатаётган оқибатларини бартараф қилишга йўналтирилган.

Республикада монопол фаолиятни чеклаш ва тартибга солиш чора-тадбирлари монополияга қарши қонунчилик тизими асосида аниқланади. Хусусан, у бозор иқтисодиётига амал қилаётган давлатлардаги шундай қонунлардан фарқ қилиб, биринчи навбатда собиқ шўро даври тизимидан мерос бўлиб қолган мавжуд ишлаб чиқариш монополияларини чеклаш ва уларга барҳам беришга қаратилган.

Бироқ, мамлакатимизда монополияга қарши сиёсатнинг ҳуқуқий асослари етарли даражада ишлаб чиқилганига қарамасдан, менимча, ҳалиҳануз уларни амалга оширишнинг аниқ механизми яратилмаганлиги сабабли кўп ҳолларда субъектив омиллар таъсирида қонунчиликдаги бузилишларни кузатиш мумкин.

Бунга нафақат хўжалик юритувчи субъектлар томонидан, балки давлат бошқарув ва ҳокимияти органлари томонидан ҳам йўл қўйилмоқда. Амалиётда ҳокимликлар томонидан баъзи хўжалик юритувчи субъектларга асоссиз имтиёзлар яратиш, муайян (чегараланган) истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш, ижтимоий соҳалар ва тадбирларга молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича кўрсатмалар юбориш каби ҳолатлар шулар жумласидандир. Бу эса бозор иқтисодиётига ўтишга ва соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, монопол мавқеидаги тармоқ бирлашмалари ҳам (ассоциациялар, холдинглар, концернлар) фаолиятида соғлом рақобат муҳити шаклланишига қўшимча тўсиқлар вужудга келтиради.

Назаримда монопол фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожлантиришга қаратилган чораларни имкон қадар кенгроқ қўллаш мақсадга мувофиқ. Чунончи, мулкни қайта тақсимлаш натижасида янги монопол тузилмалар пайдо бўлишига йўл қўйилмаслиги ва тармоқлардаги иқтисодий марказлашув, жумладан, давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва мулк олди-сотдиларини амалга ошириш устидан назорат кучайиши лозим. Товар бозорларида ҳам хўжалик юритиш учун хомашё, кредит ва валюта ресурслари олишда тенг имкониятлар ва имтиёзлар яратилиши жоиз.

Айни пайтда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат бошқарув ва ҳокимияти органлари таъсирини чеклаш катта аҳамиятга эга. Шунда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига (консалтинг, маркетинг хизмати ва банк-кредит воситаларини такомиллаштириш, ўзаро муносабатларни мумкин қадар соддалаштиришга) кўмаклашиш имкониятлари кенгаяди. Қолаверса, шартномавий (эркин) нархлар шаклланишининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, бозордаги суиистеъмолчиликларни назорат қилиш, уларга барҳам бериш мақсадларида монополияга қарши кураш ва бошқарув услубларини янада такомиллаштириш чоралари кўрилса айни муддао бўлур эди.

Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашда монопол фаолиятни чеклашга замин яратиши, шак-шубҳасиз.

**Тошболта ЖЎРАЕВ,
Тошкент молия институти кафедра мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент**

# XORIJDA

## ЭЛЧИХОНАЛАР ЁПИЛДИ

Филиппиндаги Ироқ элчихонаси Ироқдаги муваққат Америка маъмурияти талабига биноан ёпилди, дея хабар беради Reuters агентлиги. Элчихонанинг 4 дипломати ўз фаолиятини тўхтатиб, Маниладан Бағдодга қайтиши лозим.

Филиппин ташқи ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, АҚШ Саддам Ҳусайн даврида иш бошлаган барча дипломатлар Ироққа қайтишини хоҳлайди. Яна шуни таъкидладики, Ироқ дипломатлари сиёсий бошпана бериш ҳақида Филиппин ҳукуматига мурожаат этмаган.

Ироқнинг Хитойдаги элчихонаси вакиллари эса элчихона атрофини «баррикада» қилиб ўраб олиб, ўзларини ҳимоя қилишга уринмоқда.

Гап шундаки, элчи Мувафақ ал-Ани Ироқ маъмурияти чақирувига кўра Ироққа қайтишдан бош тортди ва Хитой ҳукуматидан ҳимоя қилишларини сўрамоқда. Хитой ҳарбийлари эса элчихонани қамал қилиб қўлга олишга тайёр эканлигини билдирди.

Дипломатлардан бирининг айтишича, элчи Ал-Ани ва унинг хотини қуролланиб олишган.

Покистоннинг Афғонистондаги элчихонаси ёпилишига бир неча киши элчихона биносига ҳужум қилғанлиги сабаб бўлди. Бу ҳақда Покистоннинг Афғонистондаги элчиси Рустам Шох Муҳаммад берган маълумотга таяниб Покистон давлат телевидениеси хабар тарқатди.

Манбаларда айтилишича, чегара бузғунчилигига қарши Кобулда минг кишилик норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойишчилар баёнотига кўра, Покистон ҳарбийлари Афғонистон ҳудудига 40 километргача кириб борган. Бироқ Покистон Ташқи ишлар вазирлиги вакили Маъсуд Хон журналистларга шуни маълум қилдики, «сўнгги кунларда Покистон — Афғонистон чегараларида отишмалар бўлганлиги қайд этилди, лекин Покистоннинг бирорта ҳарбийси белгиланган чегара чизиғидан ўтмаган» деди.

Гап Моҳманд автоном тумани ҳақида бормоқда. Бу туманга бир ой олдин 2000 кишилик Покистон армияси ҳудудни назорат қилиш учун, яъни толибонлар ва «Ал-Қоида» жангарилари бош суқмасликлари учун киритилган эди. Қўшин бу ерда 10 га яқин назорат пункти жорий этган.

Моҳманддаги айрим қабилалар бу назоратни тан олмаяпти. Негаки, улар контрабанда ҳисобига кун кўрадилар, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида.

Шарҳловчи минбари

# ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШДИ

**Исроилнинг Ғарбий қирғоқ билан чегарадош Кфар-Явец ҳудудидаги турар жой биносида яна портлаш содир этилди.** Уни Фаластиннинг «Ислом жиҳоди» экстремистик гуруҳи ўз бўйнига олди. Улар берган баёнотга кўра, портлашни гуруҳнинг 22 ёшли террорчи-камикадзеси Аҳмад Йехия амалга оширган, дейилади Associated Press агентлиги ахборотида. Портлаш оқибатида 63 ёшли аёл ҳалок бўлган, унинг 3 невараси жароҳатланган.

«Ислом жиҳоди» экстремистик гуруҳи Исроил қамоқхоналаридан Фаластин маҳбуслари озод этилмагунча ҳужумни давом эттираверишини ҳақида таҳдид қилди.

Эслатиб ўтамиз: 29 июнь куни Фаластин экстремистик гуруҳлари Исроил билан 3 ойлик тинчлик битими тузишган эди. Эвазига Исроил Ғазо секторининг катта қисмидаги ва Вифлеемдаги ўз қўшинларини олиб чиқиб кетган эди.

Келишув битимига ХАМАС, «Ислом жиҳоди» экстремистик гуруҳлари раҳбарлари ва ФАТХ ташкилоти етакчиси имзо чеккан.

Шуни таъкидлаш лозимки, «Ислом жиҳоди» гуруҳи раҳбарларидан бири Муҳаммад ал-Ҳинди бу портлашга гуруҳнинг алоқаси йўқлигини укдирмоқда. Унинг айтишича, террорчилар ўз ихтиёрлари билан бунга тайёргарлик кўрган ва портлашни амалга оширган.

Мазкур портлаш Яқин Шарқдаги вазиятни яна кескинлаштириб юборди. Жумладан, Reuters хабарига кўра, Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббос кеча Исроил бош вазири Ариэл Шарон билан бўладиган учрашувни бекор қилди. Бунга Ёсир Арафот бошчилигидаги ФАТХ ҳаракатининг «ички инқирози» сабабдир.

Ўз навбатида Исроил раҳбарияти Фаластин экстремистик гуруҳлари томонидан эълон қилинган тинчлик келишуви шунчаки пуч гапдан бошқа нарса эмаслигини эътироф этдилар. Шароннинг матбуот котиби Раанана Гиссин «турар-жой биносидаги портлашдан сўнг тинчлик келишуви ҳақида гап бўлиши мумкин эмас» деди.

Афсус.

Жаҳон жамоатчилиги бундан ташвишга тушмоқда. Не-не машаққатлар эвазига Исроил — Фаластин ўртасида ўзаро уч ойлик тинчлик келишувига зўрға эришилган эди. Бундан ташқари Фаластин ҳукуматининг Фаластин халқи орасидаги мавқеи тушиб кетганлиги учун ҳукумат мавқеини тиклаш мақсадида АҚШ молиявий ёрдам беришга қарор қилган эди. Бунинг учун ҳудудда тинчлик сақланиши лозим.

Яна бир гап. Исроил бош вазири Ариэл Шарон ва Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббослар яқинда Норвегияга таклиф этилган эди. Улар 16 июль куни Осло шаҳрида учрашишлари лозим. Уларни таклиф этишдан мақсад, Фаластин ва Исроил ўртасида давом этаётган можароларни бартараф этиш юзасидан музокаралар ўтказиш, ўзаро муносабатларни яхшилашдан иборат эди. Бундан ташқари, дейилади Ha'aretz газетаси ахборотида, кейинги уч йилда Исроил билан Европа мамлакатлари ўртасида юз берган совуқчиликни бир оз бўлса-да илитиш масаласи ҳам кун тартибига киритилганди.

Кфар-Явецдаги портлашдан сўнг ва бу ҳам етмагандек «Ислом жиҳоди» груҳининг талабидан кейин Норвегиядаги учрашув тақдири нима бўлиши дунё сиёсатдонларини ўйлантириб қўйди. Бироқ нима бўлганда ҳам вазиятни юмшатиш учун жаҳон жамоатчилиги куч-ғайратини аямаслигига, қўлларидан келганча ҳаракат қилажагига ишончимиз комил.

**Алимқул СУЛТОН**



*Испаниянинг денгизга туташ қирғоқлари*

Муаммо, мулоҳаза

# ЗИЛЗИЛА

**ЎТГАН ЙИЛНИНГ МАРТ ОЙИДА СОДИР БЎЛГАН ЕР СИЛКИНИШИ ОҚИБАТИДА ҚАШҚАДАРЁДАГИ КЎПЛАБ МАКТАБЛАР ЗАРАР КЎРГАН ЭДИ. УЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ, ЯНГИЛАРИНИ ҚУРИШ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?**

Ўшанда бу масалада якдиллик йўқ эди. Биров ундай деди, биров бундай. «Шунча йил турган бино...», деган фикрлар ҳам билдирилди. Айрим ота-оналар фарзандлари вақтинча мослаштирилган иморатларда ўқишига қарши туришди. Туман прокуратураси мактаб раҳбариятини огоҳлантириб, ҳатто тилхат ҳам олди.

Албатта, бундай ҳолат юзага келишини тушуниш лозим. Яккабоғ шаҳри марказида — «Янгиобод» маҳалласи ҳудудидаги 550 ўринли Абдулло Авлоний номли мактабда ярим асрдан зиёд вақт оралиғида минглаб одамларнинг болалиги ўтди. Зиёга талпинган қалблар илк бор шу жойда эзгуликка ва илмга ошно бўлди. Сабаби ундан кўнгил узиш осон эмасди.

Мунозарага бир воқеа чек қўйди. Бинода тузатиб бўлмас дарзлар пайдо бўлди. «Т» шаклида солинган улкан иморатнинг деворлари қулаб, томи босиб қолиши хавфи туғилди. Йиллар силсиласи ўз ишини қилди.

— Яхшиямки, бино деворлари кечаси, ҳеч ким йўқ пайтда қулаб тушди, — дейди Яккабоғ тумани халқ таълим бўлими мудири Аҳмаджон Мираков. — Эллик иккинчи йилда хом ғиштдан тикланган иморат ярим аср чидаб берди. Уч йил олдин Қамаши туманида кўп ташвиш келтирган зилзиланинг таъсири бизгача етиб келганди. Айниқса, 2002 йилнинг март ойида ер қимирлаши туманимизда оғир кечди. Жами 42 та мактаб биноси қаттиқ шикастланди.

Дарҳақиқат, зилзила оқибатида юқори туманлардаги кўпгина биноларга дарз кетганди. Айниқса, зилзила маркази — Қамаши туманида унинг асорати кучли бўлди. Айрим маданий-маиший бинолар, шифохоналар, эски мактаблар фойдаланиб бўлмайдиган ҳолга келди. Табиий офатнинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан ҳукумат комиссияси тузилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил март ойида алоҳида қарори қабул қилинди.

— Ҳукуматимизга минг раҳмат, — дейди Қамаши туман марказий шифохонаси бош ҳакими, Олий Мажлис депутати Абдурасул Ғофуров. — Ҳамма зарур ёрдамлар берилди, уйлари зарар кўрган аҳолига имтиёзли кредит, қурилиш материаллари ажратилди. Аввал, ўқув масканлари ҳақида гапирай. 44 та мактаб таъмирланди, 9 та янги мактаб қурилди. Булар чиройли, замонавий мактаблар. Айни пайтда бир қанча ўта зарур бинолар лойиҳа асосида қуриляпти. Мен бошқа нарсани айтмоқчи эдим. Тоғли ҳудуддаги Кўкабулоқ, Лангар қишлоқларидаги тиббиёт пунктлари қурилиши тўхтаб қолди. Ёки 50 ўринга мўлжалланган сил касалликлари диспансери биносида 90 фоиз қурилиш ишлари битгани ҳолда, молиялаштирилмаяпти. Нега? Ахир, уларни тиклашга давлатнинг озмунча маблағи сарфландими?! Энди озгина иш қолганда, бу қурилишларни тўхтатиб қўйиш керакми? Мен айтмоқчи бўлган мулоҳаза шундан иборатки, маблағларни сочиб юбормасдан, зарур деб ҳисобланган қурилишларни ўз вақтида тугаллаш лозим. Миллионлаб, миллиардлаб сўм маблағ сарфланган бинолар, иншоотлар чала қолса, мустаҳкамлигини йўқотиши баробарида, бу ҳол қурилиш ташкилотларини ҳам парокандаликка дучор этади. Ёки фикримга қўшилмайсизми?..

Нега энди? Олий Мажлис депутати оғриқли масалалардан биттасини кўтараётган эди. У шунчалик ҳам муҳим ва долзарбки, буни Яккабоғ тумани мисолида янада тўлароқ тасаввур қилса бўлади. Чунки шифохоналар керак, аммо энг аввал кўплаб мактаблар зарур.

— Ҳозир тумандаги 104 та мактабда 53 мингдан ошиқ бола таълим олаяпти. Шундан 52 та мактаб ночор аҳволда. Айниқса, 8 та мактабга ниҳоятда путур етган. Негаки, улар ўттизинчи, қирқинчи, кўпи билан эллигинчи йилларда тикланган. — дейди Аҳмаджон Мираков. — «Турон» хўжалигидаги пахсадан қурилган 320 ўқувчи таълим олаётган иморатнинг зилзиладан кейин деворлари ёрилиб кетди. Камарли қишлоғидаги 80 ўринли мактаб биноси бузилди. Қулаши аниқ бўлиб қолган 6 та мактаб биноси бузиб ташланди. Хавф туғдираётган қолган бинолардан ҳам болалар бошқа жойлар, боғча биноларига кўчирилди. Айни пайтда 18 минг 216 бола мослаштирилган биноларда ўқишга мажбур. Бошқа иложимиз йўқ эди. Қачон аҳвол ўзгаради — буни ҳам айта олмаймиз.

Болаларга вақтинча ажратилган бинолардан бирини бориб кўрдик. «Олтинбошоқ» хусусий корхонасига тегишли, илгари қандайдир савдо ташкилоти учун қурилган бино экан. Бинони ижарага бериб турган ташкилот айни пайтда янги мактаб қурилишини олиб бормоқда.

— Жуман Михлиев номли ширкатдаги 420 ўринли мактаб биносини бундан 10 йил бурун хўжалик маблағи билан қура бошлашган, — дейди хусусий корхонанинг қурилиш бўйича иш юритувчиси Аҳад Сафаров. — Чала, наридан-бери деворлари кўтарилган бино бузилди. Янги лойиҳа тайёрланди ва тўқсон биринчи йил баҳоси билан 1,5 миллион сўм баҳоланган мактаб қурилишини бизнинг ташкилот олиб бораяпти. Бинонинг томи ёпилди. Пул йўқлиги туфайли қурилиш тўхтаб қолди.

— Нега бундай аҳвол вужудга келди? Хароба биноларнинг бузилгани, ўқувчилар кўчирилганини тушунса бўлади. Аммо қурилиш бошланган мактабларни тиклаш нега давом эттирилмаяпти?

— Дарҳақиқат, масала жиддий, — дея саволга жавоб беради Яккабоғ туман ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосари Мансур Ҳасанов. — Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил мартдаги қарорида Қамаши туманида юз берган зилзила оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Шу асосда бошқа туманларда ҳам кўплаб муҳим қурилишлар режага киритилди. 2002 йилда юз берган зилзиладан туманимиздаги 42 та мактаб биноси қаттиқ зарар кўрди. Вилоят ҳокимининг 2002 йил 13 майдаги 124/5-сонли фармойишида бошқа жойлардаги каби туманимизда ҳам мактабларни таъмирлаш, янгиларини қуриш режалари тузилганди. Уларга кўра, 35 та мактабни янгидан қуриш, 7 та мактаб биносини алоҳида таъмирлаш мўлжалланган. Аммо бошланган ишлар тўхтаб қолди.

— Биз бошланган, бироқ қурилиши тўхтаб турган бир нечта мактаб биносини кўрдик. Қурилишларни охирига етказишга нима халақит бераяпти?

— Очиғи, — дейди Мансур Ҳасанов, — бошдаёқ бу ҳақда ўз фикримни айтганман. Масаланинг моҳияти шундаки, жуда оз маблағ ажратилиб, қурилишларни хўжаликлар, ҳомийлар маблағи асосида қуриш белгиланганди. Масалан, 25 та мактабдан 20 тасининг қурилишига фақат цемент, айримларига бошқа қурилиш материаллари ажратилди. Бундай аҳволда бирорта мактабни қуриб битказиш имкони йўқ. Олайлик, Ҳисор ширкатида 5 та мактаб қурилиши керак. Иқтисоди ўзига яраша бўлган хўжалик бунга қодир эмас. Масаланинг яна муҳим жиҳати шундаки, хўжаликларнинг усталари замонавий талаблар даражасидаги биноларни қуролмайди. Менимча, бугун қурилишларга бўлган талабни ўзгартириш лозим. Пахсадан, хом-ғиштдан қурилган мактаблар вақт ўтиши, ер силкинишига бардошсиз эканлигини амалда кўрдик...

Қурилишга мутасадди раҳбарнинг мулоҳазаларини инкор этиш мумкин эмас. Бугун давр талаби ҳам бошқача. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида замонавий ўқув масканлари қуриш, жиҳозлаш алоҳида белгиланган. Келажагимиз эгалари таълим оладиган коллежлар, мактаблар қурилишини Юртбошимиз эътиборида турибди. Давлатимиз раҳбари Қамаши туманидаги Чим қишлоғида зилзиладан зарар кўрган эски мактабни бориб кўриб, янги ўқув маскани қурилиши юзасидан қимматли маслаҳатларни бергандилар. Ҳозир шу жойда ихчам, бироқ қишлоқ болалари учун барча шароитлар яратилган янги мактаб қад ростлади. Умуман, бошқа жойда бўлгани каби Қашқадарёда ҳам ўнлаб замонавий коллеж, мактаблар тикланган ва тикланмоқда.

Бироқ ҳали вилоятда зилзиладан зарар кўрган, вақт ўтиши билан мустаҳкамлигини йўқотган 80 га яқин мактаб биносини янгидан қуриш лозим. Аммо уларнинг барчасига зарур маблағни топиб бериб бўлмаслиги аён бўлиб турибди. Бундай харажатларни на вилоят, на туманлар бюджети кўтара олади. Хўш, унда ўтмишдагидек тезкорлик билан ҳашар усулида пахсадан қуриб ташлаш керакми? Аввало, бундай мактаблар таълим учун қўйилаётган бугунги талабларга жавоб бера оладими? Энг муҳими ер силкиниши қилинган меҳнатни бир онда йўққа чиқариб ташламайдими?

Мана, энди муддаога яқинлашдик. Табиатнинг қалтис ва айни чоғда қудратли ҳодисаларидан бўлган зилзилалар қандай мудҳиш оқибатлар келтириб чиқараётганини дунёвий ахборотлардан билиб-кўриб турибмиз. Қамаши ва бошқа туманларда юз берган ер силкиниши ҳам сабоқ бўлди. Қурилишлар, айниқса, мактаб бинолари қурилишини ҳар қандай ташкилот олиб бора олмаслигини тушундик. Тўғри, зилзила туфайли вайронагарчилик юз беради, жойлар, бинолар ўз кўринишини ўзгартиради. Одамлар ҳушёр тортади. Демак, қурилишларга бўлган муносабат ҳам ўзгаради. Энди биноларни тиклашда ер силкинишлари кучи, уларга бардош берадиган лойиҳа ва материаллар, қурувчиларнинг маҳорати албатта ҳисобга олиниши лозим. Муаммони ечиш учун наридан-бери бинолар тиклашга киришилса, оқибати нима билан тугашини унутмаслигимиз даркор. Юртбошимиз ўшанда зилзила ҳақида гапираётиб, шундай деган эди: унинг оқибатида кўп нарса ўзгаради. Яна нималар ўзгариши лозим?

Фикрлаб яшаб, фикрлаб меҳнат қилишни ўрганмоғимиз лозим.

**Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

# ДЕҲҚОНГА ҚАНОТ, ФЕРМЕРГА НАЖОТ

## БЎЛАЁТГАН «ПАХТА БАНК» СИРДАРЁ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Бугун пахтакорларнинг ҳам, ғаллакорларнинг ҳам иши ҳар қачонгидан кўпайган. Пахтакор ғўза парваришини янада кўчайтириб, эртаги ҳосил умидида тер тўкса, ғаллакорларимиз ҳосил ўрим-йиғимини жадал олиб боришмоқда.

Акциядорлик-тижорат «Пахта банк»и ана шундай кезда дала миришкорларига мадад бўлмоқда. Биз «Пахта банк»нинг Гулистон шаҳри марказида жойлашган Сирдарё вилоят бошқармаси биносидан хурсанд чиқиб келаётган йигитни суҳбатга тортдик:

— Исми-шарифим Фазлиддин Қодиров, — ўзини таништирди у. «Албаки» фермер хўжалиги раҳбариман. Ёрдам сўраб, банкка келувдим, йўқ дейишмади. Мана, энди ўзимизнинг яп-янги «ТТЗ-80» русумли тракторимизга эга бўламиз. Банк лизинг асосида 13 миллион 105,2 минг сўм пул ажратди. Ишимиз юришади...

— Ғўза қалай? Ғалла-чи? — сўраймиз ундан.

— Ҳозирча ҳаммаси яхши-ю, бироз ташвиши ҳам бўлди. Ёмғир, жала туфайли қатқалоқ юз берди. Ғўза ниҳоллари нобуд бўлишига бир бахя қолди. Хайриятки, техникамиз бор эди, ўнглаб олдик. Аммо ёғингарчилик ғаллачиликка қўл келди.

— Мен ҳам яқинда лизинг асосида банкка мурожаат қилиб, — қўшилди унга «Раҳмон» фермер хўжалиги бошлиғи Ўткир Мамадиев, — ариза ёзувдим, илтимосимни қондиришди. Энди бизда ҳам янги «ТТЗ — 80»га маблағ бор...

Гурунглардан маълум бўлдики, «Пахта банк» вилоят бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилган кредитлардан техника сотиб олишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор бераётир. Биргина 2002 йил давомида банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармаси шу йўналиш учун деҳқон ва фермер хўжаликларига 128 миллион сўм маблағ ажратди. Унга 48 та қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилинди. Бунинг 17 таси «Алтай — 14» русумли тракторларидир.

Банкнинг «Фарҳод» бўлими бошқарувчиси Султон Ирисметовнинг айтишича, Жўрабой Абдураҳмонов бошлиқ «Жўрабой» фермер хўжалигига 15,5 миллион сўмлик кредит маблағи ажаратилгач, 62 гектар ерда пахта, 15 гектар ерда ғалла етиштираётган жамоа янги «Алтай» трактори сотиб олди. Ҳозир бу ерда экинлар парвариши яхши, ҳосил чўғи баланд. Шунингдек, Гулистон туманидаги «Абу Хурайро» (раҳбари Азамат Қобилов) фермер хўжалигига 2001 йил «МХ-125» русумли трактор сотиб олиш учун 1 йил муддатга 12,6 млн. сўм кредит маблағи берилганди. Кредит хўжалик томонидан муддатидан олдин қайтарилиб, 2002 йилнинг январь ойида «Экскаватор» трактори олиш учун яна 10 млн. сўм кредит маблағи ажратилди.

Банк томонидан ажратилган кредитлар эвазига янги иш ўринлари яратилиб, фермер хўжаликларининг даромадлари янада ошмоқда. Ёрқин бир мисол: Сайҳунобод бўлими ўз маблағи ҳисобидан «Каркидон» фермер хўжалигига 2002 йил 15 февралда Т-4А русумли «Алтай» трактори сотиб олиш учун 3 йил муддатга 15,5 млн. сўм кредит маблағи ажратганди. Хўжалик кредитга олган трактор ёрдамида ўз ер майдонига ишлов бериш билан бирга жамоа ва фермер хўжаликларига шартнома асосида хизмат ҳам кўрсата бошлади. Натижада, 2002 йилда кўрсатилган хизмат 4,8 млн. сўмга тенг бўлиб, соф фойда 3,2 млн. сўмни ташкил этди. Бундан ташқари хўжалик ўз ер майдонига ўз трактори билан ишлов бериб, таъминот-тузатиш корхоналарига тўланадиган 1,8 млн. сўмни тежаб қолди. Бугун эса асосий қарзнинг 4 млн. сўми муддатидан олдин қайтарилди ҳам.

Банк тизимини ислоҳ қилиш дастурида кўзда тутилган муҳим тадбирлардан бири — бу кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда тадбиркорлар фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир. Бу борада ҳам вилоят бошқармаси 2002 йил давомида 293 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига 667,3 млн. сўм кредит маблағлари ажратди.

2002 йилда имтиёзли кредитлаш жамғармасидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига жами 168,3 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилиб, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан мазкур йўналишга берилган кредитлар 32 фоизни ташкил этди.

Банк бўлимлари томонидан ажратилган 228 та лойиҳа бўйича 448,4 млн. сўмлик микрокредит бугунги кунда вилоят хўжаликлари ривожига ривож қўшмоқда. Шундан, (банк ўз маблағлари ҳисобидан) 140 та тадбиркорлик субъектларига 327,8 млн. сўм, «Бизнес фонд» кредит линиясидан 68 та тадбиркорга 85 млн. сўм, бандлик жамғармасидан 15 та ишбилармонга 26,6 млн. сўм ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 5 та субъектга 9 млн. сўм микрокредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, банк томонидан ажратилаётган қисқа муддатли кредитлар корхоналарнинг ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ажаратилган бўлса, ўрта муддатли кредитлар фермер хўжаликларида чорва моллари сонини оширишга, техника ва уларга эҳтиёт қисм сотиб олиш учун берилмоқда. Вилоят бўйича 2003 йил 1 январь ҳолатига кўра жами кредит қўйилмалари 2742,5 млн. сўмни ташкил қилиб, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес субъектлари бўйича мавжуд кредит қўйилмаларининг улуши 36,2 фоиз (991,8 млн. сўм)ни ташкил этди. 2002 йил давомида кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредитлар ажратилиши натижасида янгидан 531 та ишчи ўринлари яратилди.

Дарвоқе, бу йил сирдарёлик пахтакорлар учун анча оғир келди. Баҳорда ҳарорат етарли бўлмаганлиги боис ғўза ниҳоллари ўсишдан орқада қолди. Ана шундай паллада «Пахта банк» вилоят бошқармаси жамоаси деҳқонга қанот, фермерга нажот бўлишга бел боғлаб, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

**Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники**

**Кейинги йилларда жаҳонда фармацевтика соҳаси анча ривожланди. Ҳар куни телевизор, радиода янги-янги дори воситаларининг рекламасига дуч келамиз. Уларнинг ишлаб чиқарилиши ва юртимизга нима сабабдан кириб келаётганлигини бир четга суриб, тиббиётда қўлланилишини соҳа мутахассисларига қўйиб берайлик-да, бугун ўзимизда ишлаб чиқарилаётган дори воситалари хусусида тўхталайлик.**

**Жаҳон тажрибасида битта препаратни тиббиётга тақдим этиш учун ўрта ҳисобда 8 йил вақт керак бўлар экан. Сабаби, препарат бўлиши назарда тутилиб сиздирилган ҳар 5000 моддадан фақат биттасигина тиббиёт амалиётига кира олар экан. Шу препарат учун эса ўрта ҳисобда 200-600 миллион АҚШ доллари сарфланар экан.**

**«A.B. Biokom» нодавлат нотижорат илмий текшириш фирмасининг ташкил этилганига эндигина 6 йил тўлди. Лекин шунга қарамай фирма томонидан дори воситаси — КОБАВИТ тиббиёт амалиётига татбиқ этилди, яна иккитаси татбиқ этилиш арафасида.**

**Биз фирма фаолияти билан янада яқиндан танишиш мақсадида у ерда хизмат қилаётган олимлар билан суҳбатда бўлдик.**

# БИЗ ЯРАТГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР

## ЖАҲОН СТАНДАРТИ ДАРАЖАСИДАН КАМ ЭМАС, — ДЕЙИШМОҚДА МУТАХАССИСЛАР

**Абдурафиқ АКБАРОВ, кимё фанлари доктори, профессор, фирма директори:**

— Фирмамизнинг асосий вазифаси янги дори воситаларини яратишдир. Агар биз яратаётган препаратлар шу вақтгача мавжуд дори воситаларидан бирор жиҳати билан устун бўла олмаса, у билан тенг даражада бўлса ҳам, биз ундай дори воситасидан воз кечамиз. Изланишлар натижасида 1997 йилда Кобавит дори воситасини яратдик ва тиббиёт амалиётига татбиқ этдик. Ўтказилган клиник синовлар ва препарат тиббиёт амалиётига татбиқ этилгандан сўнг ўтган давр натижалари Кобавитнинг энг кучли гепатопротектор (жигарни ҳимояловчи) ва антианемик (камқонликка қарши) воситалардан бири эканлиги исботини топди.

**— «Яратаётган препаратларимиз бошқа дори воситаларидан устун бўлсагина уни тиббиётга татбиқ этамиз», — деган фикрни айтиб ўтдингиз...**

— Кобавитнинг устунликлари ҳақида билмоқчимисиз? — **Суҳбатга қўшилди фирманинг катта илмий ходими, тиббиёт фанлари доктори, профессор Тўра МАҲМУДОВ.** — Кобавит энг кучли гепатопротектор ҳисобланган бошқа дори воситаларидан ўзининг таъсир механизми, яъни фармакодинамикаси ва фармакокнитекаси бўйича бир неча баробар юқори эканлиги исботланди. У юқумли ўткир гепатитнинг сурункали гепатитга ўтишини, сурункали гепатитнинг эса жигар церрозига айланишининг олдини олади. Шунинг учун ҳам у жигар церрозининг оғир формаларида қўлланилмоқда.

Биргина вирусли гепатитнинг «Б» тури билан жаҳон миқёсида ҳозирга қадар 2 миллиард одам оғриган. Шулардан 300-350 миллион киши ўз қонида шу вирусни ташиб юрувчи ҳисобланади. Ҳар йили 50 миллион киши айнан шу касаллик билан оғрийди ва касалликнинг оғир ўтиши натижасида 2 миллион киши оламдан кўз юмади. Охирги 20 йил ичида гепатитнинг «Б» тури билан вафот этганлар сони иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетганлар сонидан ошиб кетган.

Кобавит темир етишмовчилиги касаллигига қарши ҳам қўлланилмоқда. Бунинг сабаби, у озиқ-овқат билан ошқозон-ичак тизимига тушган темир моддасининг организмга сўрилишини таъминлашга ёрдам беради.

Ҳар йили жаҳон миқёсида 1 миллиард 800 миллион одам темир тақчиллиги анемияси касаллигига гирифтор бўлмоқда. Бунга қарши бирмунча дори воситалари мавжуд. Уларнинг таркибида темир моддаси кўп. Бизнинг препарат таркибида эса темир моддаси умуман йўқ. Дори воситаларисиз ҳам ичга кўп темир моддалари киради. Кобавит организмнинг ўзини мавжуд темир моддасини сўриб олишга ундайди. Ичак тизимида темир сўрилишида қатнашадиган апоферитин оқсилининг кўпайишини таъминлайди. Бир вақтнинг ўзида қон тизимида темир ташувчи оқсил ҳисобланган ферротрансферриннинг миқдорини меъёрлаштиради. Шунинг учун у темир тақчиллиги анемиясининг енгил, ўрта ва оғир кўринишларида қўлланилмоқда.

— Булардан ташқари, — **суҳбатни давом эттиради Абдурафиқ Акбаров,** — айни кунларда етти хил препарат устида қизғин иш олиб бормоқдамиз. Яқин кунларда шулардан иккитаси — антивир ва ферракан препаратларини клиник синовлар учун топшириш режамиз бор.

Биз ўз олдимизга, халқимиз учун арзон, қулай, таъсир доираси бўйича бошқа препаратлардан устун ва асосийси, ўзининг салбий асоратларини қолдирмайдиган дори воситалари яратишни мақсад қилиб қўйганмиз.

**— Сир эмас, ҳозир сифатсиз ва сохта дори-дармонлар ҳам сотилмоқда. Одамлар дори сотиб олаётганда адашмаслик, хато қилмаслик учун нимага эътибор бериши керак? — деган саволимизга:**

— Дори воситаларини сотиб олишда биринчи навбатда кўпроқ Ўзбекистонда чиқадиган дориларга эътибор бериш керак, чунки бу дорилар республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси лабораториясидан тўлиқ текширувдан ўтгандан кейин, Бош бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқлангачгина ишлаб чиқаришга рухсат берилади. Ҳар бир дори «қўллаш йўриқномаси» билан тасдиқланиши керак.

Иккинчидан, сотиб олинадиган дорининг фойдаланиш муддатига эътибор бериш лозим.

Учинчидан, шу дорини ишлаб чиқарувчи корхона томонидан унга қўшилган асосий моддалар миқдорини тасдиқловчи ҳужжат бўлади. Бу ҳужжатни шу дориларни сотиб олувчи дорихоналардан талаб қилиш мақсадга мувофиқдир. Бусиз ҳар қандай турдаги дори-дармонни сотиб олишимиз асло мумкин эмас, — **деб жавоб беради Тўра Маҳмудов.**

Айтиш мумкинки, юртдошларимиз дори воситаларини сотиб олиш жараёнида тиббий жиҳатдан кўзда тутилган талабларга риоя қилсалар, энг аввало, ўз соғлиғи учун қайғурган ва саломатликларини ҳимоя қилган бўладилар.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Болалар спорти**



# ОЛИМПИЯЧИЛАР СПОРТ КОЛЛЕЖИ

Бундан икки ой олдин Хоразм вилоятида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари-2003» спорт ўйинларининг республика босқичи зўр муваффақият билан ўтказилганди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 2600 нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг 12 тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб борди.

Урганчдаги Олимпия захиралари спорт коллежи ана шундай нуфузли мусобақа арафасида фойдаланишга топширилганди. Қарийб 17 гектар майдонни эгаллаган замонавий ва муҳташам спорт мажмуида 1050 нафар ўқувчи таълим олади. Бу ерда 10 та спорт иншооти — сузиш ҳавзалари, очиқ ва ёпиқ теннис кортлари, бадиий гимнастика маркази, спорт заллари, енгил атлетика майдонлари, лаборатория, катта ўқув биноси ва беш минг томошабинга мўлжалланган стадион мавжуд. Ушбу масканда спортнинг 20 тури бўйича йирик мусобақалар ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. «Умид ниҳоллари-2003» дастуридан жой олган қўл тўпи, сузиш, теннис, бадиий гимнастика баҳслари ҳам шу ерда юксак савияда уюштирилди.

Янги спорт иншоотининг кўркамлигидан кўзингиз нечоғли қувнаса, унинг бағрида таҳсил олаётган ўғил-қизлар ғайрат-шижоатини кўриб янада дилингиз яйрайди. Бу маскан узоқ йиллар ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, бу ердан кўплаб чемпионлар чиқади ҳали, деган сўзлар хаёлдан ўтади.

❖❖❖

**Суратларда:** Урганч Олимпия захиралари спорт коллежининг кураш залида доимо машғулот қизғин; коллежнинг умумий кўриниши.

**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар**



**Ҳикматли сўзлар маъноси**

### ЁНҒОҚ МИНГ ЯШАЙДИ, АРЧА БИЛАН ТЕНГ ЯШАЙДИ

Мутахассисларнинг аниқлашича, турли мевали ва манзарали дарахтлар турлича умр кўради: Масалан, олча бор-йўғи 18-25 йил умр кўрса, анжир ва ёнғоқ 90-100 йил умр кўради. Профессор М.Орифхонованинг ёзишича, «Дунёда арчанинг 47 тури, МДҲда 20, Ўрта Осиёда 8, Ўзбекистонда эса 3 тури (булар «Ўрик арча» ёки «Туркистон арчаси», «Қизил арча» ёки «Зарафшон арчаси», «Совур арча» ёки «Ярим шарсимон арча» деб аталади) мавжуд. Ўрик арча минг йилгача умр кўради». Юқоридаги мақолда «Ёнғоқ — узоқ умр кўрувчи дарахт» деган фикрни муболаға билан изҳор қилганлар.

### ЁНҒОҚ ОЛСАНГ — ЧАҚИБ ОЛ, ИПАК ОЛСАНГ БОҚИБ ОЛ

Одатда ёнғоқнинг тўқ ё пучлигини чақиб кўрмай туриб билиш қийин. Ипак матонинг қандайлигини (масалан, атласнинг неча «тепки»лигини) синчиклаб қарамай туриб, билиш қийин. Мазкур мақол билан: «Ҳар бир нарсани сотиб олаётганда унинг сифатини обдон текшир, ўзингнинг ақлинг етмаса, биладиганлар билан маслаҳатлаш. Акс ҳолда пулинг куяди, чув тушасан, афсус ейсан» демоқчи бўладилар. Бу фикрни қувватловчи «Олганда якка ўзинг олган бўлсанг, Сотганда отанг билан ҳам сотолмайсан», деган мақол ҳам бор.

**«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти қошидаги «ҚАЛАМКАШ» журналистика ўқув курсига**

2003-2004 ўқув йили учун суҳбат асосида 16 ёшдан 45 ёшгача бўлган тингловчилар қабул қилинади.

**Журналистика соҳаси бўйича етук мутахассислар замонавий дастурлар асосида назарий ва амалий машғулотларни олиб борадилар.**

Ўқиш муддати



*Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона. «Ўзбекистон овози» таҳририяти.*

Тел.: 136-55-05

КУРСНИ БИТИРГАНЛАРГА ҲУЖЖАТ БЕРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ахборот-ҳисоблаш маркази маъмурияти ва меҳнат жамоаси ташкилий ва ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи

**Рўзихон ЮЛДАШЕВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 2003 йил 15 июль, сешанба куни чиқади.

**BOSH MUHARRIR**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI**

**Abdulla ORIPOV**
**Abdulhafiz JALOLOV**
**Azimjon AYUPOV**
**Aziz NOSIROV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Norbobo SHAKAROV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**Rahima HAKIMOVA**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
**Sohibjon SALIMOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
**Ikromjon ISMOILOV**
**Elyor UBAYDULLAYEV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 602

**8283 nusxada bosildi**

*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi — 22.00*
1 2 3 4 5 6

**SOTUVDA ERKIN NARXDA**